

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 28 (531)

2006 йил 19 июл

ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йилнинг 15 июлидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик ҳисобда 16 фоиздан 14 фоизгача туширди.

Марказий банк томонидан қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва инфляция даражасига монетар омилларнинг таъсирини пасайтириш мақсадида 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмаган ҳолда йиллик ҳисобда 16 фоиз даражасида ушлаб турилди.

Бу эса ўз навбатида, банклараро пул бозорининг ҳамда валюта алмашув курсининг барқарор бўлишини таъминлади. Шунингдек, банклар томонидан депозит ва кредит бўйича ўрнатилган фоиз ставкалар орасидаги маржанинг пасайиши кузатилди. Бу ҳолат инфляциян кутилмаларнинг пасайишидан далолат беради.

Натижада, истеъмол маҳсулотлари нархларининг ўсиши (инфляция даражаси) белгиланган прогноз кўрсаткичларидан 1,2 фоиз бандга паст бўлди ва жорий йилнинг январь-июнь ойларида инфляция даражаси 3,5 фоизни ташкил этди.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 26-мод-

дасига асосан ҳамда амалдаги ва қутилаётган инфляция даражасидан, пул бозоридagi ҳолатдан келиб чиққан ҳолда Марказий банк 2006 йилнинг 15 июлидан бошлаб, қайта молиялаш ставкасини йиллик ҳисобда 16 фоиздан 14 фоизга туширди.

Маълумки, қайта молиялаш ставкаси Марказий банкнинг асосий фоиз кўрсаткичи ҳисобланиб, банклараро пул бозорида Марказий банкнинг тижорат банклари билан бўладиган операцияларини амалга оширишда қўлланилади ва иқтисодиётдаги фоиз ставкаларининг индикатори бўлиб хизмат қилади.

Инфляциянинг паст даражада бўлиши ҳамда Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилиши миллий

валютамиз барқарорлашиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, қайта молиялаш ставкасининг инфляция даражасидан юқори даражада белгиланиб борилиши, пул бозорида реал фоиз ставкаларининг ижобий бўлишини ва молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Қайта молиялаш ставкасининг пасайиши иқтисодиётда кредит фоиз ставкаларининг тушишига замин яратади. Бу эса ўз навбатида, инвестицион шарт-шароитларни яратиш орқали узоқ муддатли даврда реал ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Реал ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши эса нархлар пасайишида ўз аксини топади.

Марказий банк томонидан пулга бўлган реал талабдан келиб чиққан ҳолда қайта молиялаш ставкасининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши республикамизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Матбуот хизмати.

БУ СОНДА:

2

Монетар сиёсатнинг моҳияти ва воситалари

4

Биржа механизми такомиллаштирилди

6-7

Даромадим кўпайсин десангиз

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 18 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	921,13
1 Англия фунт стерлинги	2251,44
1 Дания кронаси	207,56
1 БАА дирҳами	333,86
1 АҚШ доллари	1226,21
1 Миср фунти	213,72
1 Исландия кронаси	16,33
1 Канада доллари	1085,05
1 Хитой юани	153,37
1 Кувейт динари	4240,30
1 Россия рубли	45,48
1 Украина гривнаси	242,81
100 Ливан фунти	81,69
1 Малайзия ринггити	333,03
1 Норвегия кронаси	196,11
1 Польша злотийси	384,44
1 Сингапур доллари	770,86
1 СДР	1810,44
1 Туркия лираси	775,59
1 Швеция кронаси	167,96
1 Швейцария франки	992,72
1 ЕВРО	1547,60
10 Жанубий Корея вони	12,86
10 Япония иенаси	105,40

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МИКРОКРЕДИТ ИМТИЁЗЛАРИ

«Микрокредитбанк» АТБ фаолияти асосан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликларига молиявий кўмак беришга қаратилган. Банк кичик бизнес ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли субъектларнинг бошланғич маблағларини шакллантириш, айланма маблағларини кўпайтиришни кўзлаган ҳолда микрокредитлар ажратиб келмоқда, бундай корхоналарга лизинг асосида зарур техника, жиҳозлар ва асбоб-ускуналар олиб бермоқда.

Хусусан, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорларга энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиги ва микрофирмаларга энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача ва фермер хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача бўлган миқдорларда йиллик 5 фоиздан 18 ой муддатга микрокредитлар олиши мумкин. Шунингдек, кичик бизнес субъект-

ларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириши учун энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробаригача қайта молиялаш ставкасидан ошмаган фоизда микрокредит берилади ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 баробаригача бўлган миқдорда қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорда микролизинг хизматлари кўрсатиш имкониятларига эга.

Яна шуни ҳам эътироф этиб ўтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва илгари камида уч маротаба кредит олган, мазкур микрокредитларни фоизлари билан ўз вақтида тўлаган ва унинг белгиланган муддатда тўлиқ қайтарилишини таъминлаган мижозлар «Микрокредитбанк» хизматларидан фойдаланишда имтиёзларга эга бўладилар. Улар кредит қийматининг 20 фоизи миқдоридан олдиндан депозит кўйиб, ишончли микрокредит олишлари мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредит ва микролизинг кўрсатиш департаментининг маълумот беришича, банк ҳисобот даврида жами 6 млрд. 10 млн. сўм кредит ажратган.

(Давоми 2-бетда).

МИЖОЗ МАМНУНИЯТИ

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча соҳалар фаолиятини тобора кенгайтириш ва тараққий эттириш орқали давлатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида улар учун молиявий ташкилотлар томонидан турли хил кредит линиялари жорий қилинган. Мазкур кредит сиёсатини амалиётда тарғиб қилиш асосан банклар зиммасида бўлиб, улар айни пайтда ўз вазифаларини етарли даражада бажариб келмоқда.

Хусусан, республика акциядорлик-тижорат «Фаллабанк» тизимида мавжуд уч турдаги кредит линиялари режага мувофиқ белгиланган тармоқлар тараққийти учун тақсимланган. Жумладан, Молия вазирлиги томонидан ғалла ва пахта ҳосилини етиштириш учун йўналтирилган кредитлар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда банкнинг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳозирда 110 га яқин хўжалик юритувчи субъектлар манфаатига хизмат қилмоқда. Мазкур банк кредит бўлимнинг берган маълумотида кўра, жорий йил бошидан буён «Фаллабанк» ПАТБ томонидан берилган кредитлар қолдиғи 1 млрд. 600 млн. сўмни ташкил этади.

Анъанага кўра, юқоридаги фикрларнинг тасдиғи сифатида сўзни сифатли банк хизматларидан бевосита баҳраманд бўлиб келаётган мижозга бердик.


Корхонамиз 2005 йилнинг феврал ойидан буён фаолият юритади, дейди «Dantes SDS» масъулияти чекланган жамият раҳбари, тиш шифокори Акрам Шомуродов. – Аҳолига замонавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, қолаверса фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида банкдан 12 млн. 200 миң сўм миқдорда кредит олдик. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш кўлами анча кенгайиб, ишимиз салмоғи икки бараварга ошди.

(Давоми 3-бетда).



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 18 июл ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1224,00	1227,00	1548,00	1568,00
"Асака" банки	1224,00	1227,00	1548,00	1552,00
"Ўзсаноатхўрилишбанк"и	1224,00	1228,00	1549,00	1559,00
"Пахта Банк"	1224,00	1227,00	1545,00	1548,00
"Халқ банк"и	1224,00	1227,00	1548,00	1562,00
"Ипотекабанк"	1224,00	1227,00	1548,00	1553,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1224,50	1226,50	1533,00	1541,00
"UzKDBбанк"	1224,00	1235,00	1548,00	1571,00
"Фаллабанк"	1225,00	1229,00	1548,00	1558,00
"Трастбанк"	1224,00	1227,00	1548,00	1558,00
"Алп Жамол банк"	1224,00	1230,00	1544,00	1553,00
"Алоқабанк"	1224,00	1227,00	1548,50	1571,00
"У-Т банк"	1224,00	1228,00	1548,00	1568,00
"Туронбанк"	1224,00	1231,00	1545,00	1553,00
"Савдогарбанк"	1224,00	1228,00	1548,00	1560,00
"Илак йўли" банки	1224,00	1226,00	1544,81	1547,33
"Микрокредитбанк"	1224,00	1227,00	1545,00	1549,00
"Туркистон" банк	1224,00	1228,00	1540,00	1580,00
"Даврбанк"	1224,00	1230,00	1590,00	1605,00
"Кредит-Стандарт" банки	1224,00	1227,00	1548,00	1570,00
"Капитал банк"	1224,00	1227,00	1547,70	1570,00
"Содерат банк"	1224,00	1230,00	1520,00	1590,00
"Хамкорбанк"	1225,00	1232,00	1548,00	1568,00
"Универсалбанк"	1224,00	1230,00	1544,00	1552,00
"Парвинабанк"	1224,00	1228,00	1548,00	1550,00



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVI QARORI

2006 йил 27 май

№ 12-A/2

Тошкент ш.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKIDA BUHGALTERIYA XISOBI XISOBVARAQLARI REJASIGA KIRITILAETGAN QUSHIMCHALARNI TASDIQLASH TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Қонунининг 7 ва 51-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 майдаги ПҚ-350-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 24 декабрдаги 28-A/1-сонли Қарори билан тасдиқланган 623-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»га киритилаётган қўшимчалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти (Д. А. Орипов) «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»га киритилаётган қўшимчаларни Марказий банк Бошқарувида тасдиқланган кундан эътиборан ишда қўллаш учун Марказий банкнинг худудий Бош бошқармаларига етказилишини таъминласин.

3. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк Раисининг ўринбосари А. Қ. Қодиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк
Раиси

Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 27 майдаги
12-а/2 - сонли Қарорига илова
№ 623-1

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKIDA BUHGALTERIYA XISOBI XISOBVARAQLARI REJASIGA QUSHIMCHALAR

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 майдаги ПҚ-350-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 24 декабрдаги 28-A/1-сонли Қарори билан тасдиқланган 623-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»га қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

II бўлимда:

1) «21196 - Бошқа халқаро молиявий муассасаларнинг маблағлари»

ҳисобварағидан сўнг қуйидаги бўлим ва ҳисобварақлар билан тўлдирилсин:

«21200 - Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварақлари»

«21202 - Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари»

«21204 - Ишончли бошқарув учун Марказий банкка берилган маблағлар» «21206 - Ишончли бошқарувдан келиб тушган маблағлар»

III бўлимда:

1) «21196 - Бошқа халқаро молиявий муассасаларнинг маблағлари» ҳисобварағидан сўнг қуйидаги бўлим ва ҳисобварақлари таърифи билан тўлдирилсин:

«21200 - Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварақлари»

«21202 - Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари»

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан белгиланган мақсадлар (шу жумладан, жамғарманинг ижрочи дирекциясини Кенгаш томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида сақлаш) учун ажратилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли манбалардан келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

«21204 - Ишончли бошқарув учун Марказий банкка берилган маблағлар»

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бўш қолдиқларини юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларга жойлаштириш, уларнинг барқарорлиги ва даромадлилигини таъминлаш мақсадида Марказий банкка ишончли бошқарув учун берилган маблағларининг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бўш қолдиқларини юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларга жойлаштириш мақсадида Марказий банкка ишончли бошқарув учун олинган маблағларни қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бўш қолдиқларини юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларга жойлаштириш мақсадида Марказий банкка ишончли бошқарув учун берилган маблағлари акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ишончли бошқарув тўғрисидаги бош битим асосида тузилган ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

«21206 - Ишончли бошқарувдан келиб тушган маблағлар»

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бўш қолдиқларини Марказий банк томонидан юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларга жойлаштиришдан келиб тушган маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк ишончли бошқаруви натижасида келиб тушган маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказилган суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бўш қолдиқларини Марказий банк томонидан юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларга жойлаштиришдан келиб тушган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»

БИРЖА МЕХАНИЗМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Экспорт-импорт операциялари соҳасида биржа савдосини такомиллаштириш мақсадида 2006 йил 29 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг баъзи қарорларига биржа савдоларида тузиладиган экспорт-импорт контрактларини тузиш ва расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 96-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари иштирокчилари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини камайтириш ҳисобига биржа контрактларини расмийлаштириш жараёнини оптималлаштириш ва муддатларини қисқартиришни назарда тутди.

Шу билан бир қаторда биржа контрактларини божхона органларида ҳисобга қўйиш регламенти соддалашди, биржа контрактлари бўйича ҳисоб-китобларни биржаларнинг ҳисоб-клиринг палаталаридан ўтказиш тезлашди.

Биржа савдоларининг иштирокчилари товарни сотишга қўйиш вақтида тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати оммаборхона маълумотномасини, товарга эгалик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатни, сифат сертификатини, товарнинг келгусида тайёрланишини кафолатлайдиган ҳужжатни битта ҳужжатда кафолат хатида бирлаштириш ҳисобига қисқартирилади. Бу тадбиркорлар ўз маҳсулотларини экспорт қилиши муддатлари анча қисқаришига, улар ўзларига керакли моддий-техника ресурсларини қулай шартлар асосида сотиб олишига ёрдам беради.

Шунингдек, тадбиркорлар ва бошқа

шахслар топшириғи билан тузилган контрактларни расмийлаштириш ва, айниқса, контрактларни божхона органларида ҳисобга қўйиш чоғида расмийлаштириш бўйича шахсий жавобгарликни брокерлар зиммасига юклатиш йўли билан биржа контрактларини расмийлаштириш муддатлари ҳам қисқаради. Илгари бу вазифалар биржаларнинг курьерлари (чопарлари) зиммасига юклатилар эди. Биржада, унинг филиалида ва ихтисослаштирилган савдо майдончасида рўйхатга олинган контрактлар улар рўйхатга олинган жойдаги божхона органлари томонидан ҳисобга қўйилади.

Контрактларни божхона органларида ҳисобга қўйиш тартиби-таомили соддалаштирилади. Сотилаётган маҳсулотнинг туридан қатъи назар, экспорт контрактлари улар рўйхатга олинган жойдаги божхона органларида ҳисобга қўйилади.

Аввал амал қилиб келган норма юқори ликвидли ва квоталанадиган маҳсулотни сотиш бўйича экспорт контрактларини Давлат божхона кўмитасида ҳисобга қўйиш зарурлигини назарда тутар эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республика-

сида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 137-сонли қарорининг тегишли бандига ўзгартиш киритиш ҳисобига юқори ликвидли маҳсулотни сотиш бўйича экспорт контрактларини Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтказиш зарурати истисно этилади. Тарафларнинг биржа экспорт контрактлари бўйича шартнома мажбуриятлари ижро этилишини қаттиқ назорат қилиш кўзда тутилган кафолат хати, биржа савдоси иштирокчилари томонидан задатка берилиши ҳамда биржа контрактлари бўйича биржа клиринг амалга оширилиши ҳисобига таъминланади.

Тўлов ҳужжатлари – биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари қатнашчиларининг ўзаро ҳисоб-китобларини амалга оширадиган биржанинг ҳисоб-клиринг палатаси томонидан бериладиган битимлар электрон реестри ва маҳсулотни етказиб бериш топшириқномаси орқали амалга ошириладиган экспорт-импорт бўйича биржа битимларига доир ҳисоб-китобларни ўтказиш тартибга солинади ва тезлашади. Ушбу қарор қабул қилинганга, божхона органлари юқори ҳақидаги божхона декларацияларини фақат сотувчига хизмат кўрсатадиган банкдан товар учун харидордан пул маблағлари келиб тушганлиги ҳақида ҳисоб маълумотномаси олинганидан кейингина расмийлаштирар эди. Бу нарса ҳисоб-клиринг хизмати кўрсатиш механизмига зид келиб қолган эди.

Ушбу механизмда сотувчи товарни жўнатиш юзасидан ўз мажбуриятларини бажарганини харидор тасдиқлаганидан кейин сотувчининг унга хизмат кўрсатадиган банкдаги ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилиши назарда тутилади.

Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонунларнинг мувофиқлаштирилганлиги муҳим қадам бўлди. Энди товар-хом ашё биржаларида ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан битимларни амалга ошириш мумкинлиги истисно этилади. Илгари қўллаб келинган «ярмарка» тушунчаси «кўргазма-ярмарка савдоси» тушунчаси билан алмаштирилди. Бундай аниқлик Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майда қабул қилинган «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 251-сонли қарори муносабати билан киритилди. Қарорда товар-хом ашё биржалари орқали товарлар биржа, аукцион ва кўргазма-ярмарка савдолари натижалари бўйича биржа битимлари тузиш воситасида улгуржи сотилиши белгилаб қўйилган. Биржалар филиаллари ва ихтисослаштирилган савдо майдончаларининг уларда тузиладиган контрактларни рўйхатга олишдаги роли айниқса муҳимдир. Бу республика минтақаларида биржа ва кўргазма-ярмарка савдосининг янада ривожланишига ёрдам беради.

uzex.com материаллари асосида тайёрланди.

ОМОНАТ

ВА

АРМОЯ

Аҳоли учун
махсус саҳифа

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ
БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН
ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ
2006 йил 1 июл ҳолатига**

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланг ич бадал	Эслатма
ТИФ Миллий банки				
Пластик карточка		16	150	Фоизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олган ҳолда берилди.
«Тавтил»*	3 ой	21	10000	Фоизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олмаган ҳолда берилди.
«Келажак»*	5 йил	25	1000	16 ёшгача бўлган болаларга очилади.
«Ният»		4,5		Автомобил қийматининг 50%и қўйлади.
«Омонлик»*	6 ой	20	50000	Фоизи қўйилган кунда (аванс) берилди.
«Омадли»*	2 йил	23	100000	
«Шифокор»*	6 ой	28	50000	Тиббиёт ходимларига очилади, фоизи муддати тугаганидан сўнг берилди.
«Кўпайсин»*	1 йил	21	200000	25 ноябрдан қабул қилинади.
Пахта Банк				
Муддатли	6 ой	18	50000	Фоизлар муддати тугаганидан кейин берилди.
Муддатли	1 йил	20	50000	Фоизлар муддати тугаганидан кейин берилди.
Муддатли	3 йил	21	50000	Фоизлар бир йилдан сўнг тўлаб берилди.
Муддатли	5 йил	22	50000	Олинмаган фоизлар асосий суммасига қўшиб берилди.
«Фаровонлик»*	3-6 ой	20-22	5000	Фоизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Оқолтин»*	6 ой	22	2000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва маблағ қўйилган кунда 1 ой учун омонатчиларга берилди.
«Пахтакор»*	3 ой	21	1000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилди, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
«Барака»*	3, 6, 9 ой ва 1 йил	14-20	20000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди, аванс тарикасида (олдиндан) ёки босқичма-босқич омонатчиларга берилди, маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоизлар сакланиш муддатига қараб тўланади.
«Баҳор»*	9 ой	20	20000	Омонат фақат нақд пулда қабул қилинади.
«Шодлик»*	3 ой	22	100000	Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилди.
«Ҳосил-2006»*	6 ой	22	200000	Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларга мўлжалланган омонат тури.
«Саҳоват»*	1 йил	22	20000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилди.
«Навниҳол»**	1 йил	16	1000	16 ёшдан 25 ёшгача қўйилган маблағ олинган муддатига 50000 сўмга етса 10% қўшиб ҳисобланади.
«Болалар келажакимиз»**	1-5 йил	18-24	10000	Фоизлар ҳар 3 ойда берилди.
«Манший тўлов»**	2 йил	30	коммунал ва бошқа	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга омонатнинг микдори "истеъмол кредит"га олинаётган истеъмол молларининг 30% Автомобил қийматининг 50%и қўйлади.
«Истеъмол омонати»*	2 йил	10		
«Автоомонат»**	3 йил	10		
Пластик карточка		18		Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчиларга берилди, нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
Узелноатқуриладиган банки				
«Мақсадли болалар омонати»**	10 йил	22	100	
«Сюрприз»***		8	100	Йилига 2 марта ўйин ўтказилади.
«Кулай»*	3 ой	20-21,93	25000	Фоизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Манший хизмат тўловига»*	2 йил	22		
«КВ-1»*	1 ой	18		
«Фойдали»**	6 ой	21	100000	Ҳар ойда қўшимча маблағ қўйиб бориш
«Сармоё»**	9 ой	20	50000	Капитализация билан.
«Танлов»*	6 ой	21-23,13	50000	Капитализация билан.
«Саломатлик»*	3 ой	22	100000	Капитализациясиз.
«Барака»*	1 йил	22-24,35	50000	Капитализация билан.
«Эффект»**	10 ой	22	100000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб берилди.
«Кафолат влюс»**	1	100		Нақд пулда қабул қилинади.
Пластик карточка		8	100	
Visa Electron Пластик карточка		16		
Visa Classic Пластик карточка		24		
Микрокредитбанк				
«Свхат»	1 йил	24,0	1000000	Фоизлар ҳар чоракда берилди.
«Орзу»*	3 ой	24,0	50000	3 ойдан кам бўлмаган муддатга.
«Она юрт»*	3 ой	22,0	150000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб берилди.
«Ёш авлод»*	1 ой	24,0	100000	Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилди.
«Истеъмол жамғармаси»*			150000	Истеъмол кредити фоизини сўндириш мақсадидаги омонат.
«Тадбиркор»*	6 ой	25,0	25000	Фоизлар олдиндан тўлаб берилди.
«Тежамкор-бизмунвали»*	2 йил	30,0		Фоизлар фақат коммунал тўловларга ўтказиб берилди

«Автожамғарма»	3 йил	20,0		Кредит олиш учун.
«Фаровон ҳаёт»	Пластик карточка	16,0		
Ғулбабанк				
«Имконият»*	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугаганидан сўнг маблағга уй-рўзгор ашёси, енгил автомобил, турар жойлар сотиб олиш мумкин.
«Саломатлик»*	11 ой	19,8	10000	Фақат саёҳатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади.
«Нафақа мадакор»*	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақаўрларга очилади.
«Ishonch»*	3 ой - 3 йил	18-20,4	10000-5000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Luks»*	3 ой - 3 йил	18,6-21	5000000-10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Коммунал омонати»*	3 ой	21,6	100000	
«Kafolat»*	3 ой - 3 йил	19,2-21,6	5000000 - 10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан устама тўлашга келишилади.
«Меҳриғе»**	18 йил	15,6	10000	18 ёшга тўлганда берилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади.
Пластик карточка	Талаб қилиб олинганда	МБ қайта молиялаш ставкаси микдорида	1000	Фоизлар қувлик ҳисобланади, ой охирида капитализация қилинади.
«Kelajak»**	16 йил		10000	МБнинг қайта молиялаш ставкаси микдорида бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади.
Турон банк				
18 ёшгача болалар**	5 йил	16,0	1000	Фоизи 18 ёшга тўлгандан сўнг тўланади. Муддати 5 йилдан кам бўлмашлиги лозим.
«Ният»**	2 йил	5,0		Автомобил сотиб олиш учун кредит олишга мўлжалланган омонат.
«Келажак»**	3 йил	5,0	2000	Истеъмол кредити беришга мўлжалланган омонат.
«Омад қувончи»**		5,0	10000	Ютуқли омонат бўлиб, тираж ҳар 6 ойда ўтказилади.
«Кафолат»*	10 кун	23,0	10000	Ҳар ойнинг 25 санасидан кейинги ойнинг 5 санасигача.
«Нуроний»*	3 ой	23,0	50000	Қариялар учун мўлжалланган омонат.
«Орзу»*	3, 6 ва 12 ой	18,0	2000	Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилди.
«Имконият»*	1 ойдан 1 йилгача	21,0	50000	Фонз даромадларини олиш муддатларини омонатчи белгилайди.
«Бинафша»*	1, 2, 3 ой	18,0	50000	Омонатчи саклаш муддатини хоҳишига кўра белгилайди.
«Ўқувчи»*	2 ой	16,0	50000	Ўқувчиларни янги ўқув йилига тайёрлаш буйича омонат.
«Ҳамкорлик»*	5 ой	23,0		Коммунал тўловларга ўтказиб берилди.
«Фаровонлик»*	2 йил	3,0	10000	Истеъмол кредити беришга мўлжалланган омонат.
Пластик карточка	талаб қилиб олинганда	16,0	3000	Депозитларга ҳисобланган фоиз даромадлари ҳар ойда капитализация қилинади.
Асака банк				
«Орзу»*	3 ой	20,0	5000	Омонатнинг сакланиш муддати 3 ой ва ундан юқори.
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача	19,0	1000	Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилди.
Муддатли	1-3 йил	19,0	1000	Фоизи омонат ёпилганда тўланади.
Муддатли	3-5 йил	19,0	1000	Фоизи омонат ёпилганда тўланади.
«Табассум»*	45 кун	20,0	250000	Омонатнинг сакланиши 45 кун.
«Наврўз»*	2 ой	20,0	250000	
«Умид»*	3 ой	20,0	10000	Капитализацияси билан.
«Юбилейный»*	6 ой	20,0	150000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилди.
«Автоомонат»*	2,5 йил	12,0		Кредит олиш учун.
«Харидор»*	3 йил	12,0		Истеъмол кредитига мўлжалланган.
«Такдим этувчига»*	3 ой	20,0	250000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилди.
Пластик карточка		16,0	1000	
Ипотека-банк				
«Антика»*	1, 6, 12 ой	22,21,20	5000	
«Болажон»*	5 йил	16,0		18 ёшга тўлганда.
«Ноб»*	2 ой	20,0	100000	Фоизлар муддати тугаганидан сўнг берилди.
«Истикбол»*	2 ой	22,0	10000	
«Адолат»*	6 ой	20,0	100000	Бошлангич бадал ойма-ой тўлаб берилди.
«Жозиб»*	3 ой	21,0	50000	Муддати тугаганидан сўнг капитал билан қўшиб берилди.
«Манший хизмат тўловлари»*	1 йил	24,0		
Пластик карточка		16,0		
Уйжойжамғарма-банк омонати		2,0		
Алоқбанк				
Муддатли	3 ой	22,0	1000	Фоизларни ҳар ойда олиш мумкин.
Муддатли	6 ой	22,0	1000	-/-

* муддатли, ** жамғарма, *** ютуқли.



DAROMADIM KO'PAYSIN DESANGIZ...

Муддатли	1 йил	23,0	1000	-/-
« Байрам » *	4 ой	20,0	1000	Энг кўп қўйиладиган омонат миқдори 10000000 сўм. Фонизлар ҳар ойда берилади.
« Хумо » *	12 ой	20,0	10000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
« Махсус »		30,0	100	Бу омонатдан коммунал ва телефон тўловларига пул ўтказиш мумкин.
« Орзу » **	3 йил	3,0	20%ли Истеъмол кредити	Истеъмол кредити.
« Файзли » *	6 ой	21,0	10000	Ҳар ойда фонизлар тўланади.
« Сахий » *	2 ой	22,0	100000	Фонизлар омонат муддати тугагач берилади.
« Шифокор » *	6 ой	22,0	100000	Фонизлар ҳар ойда тўланади.
« Тухфа » *	6 ой	20,0	100000	Капитализацияси билан.
« Яхши ният » **	6 ой	20,0	1000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
« Бахтли болалик » *	3-17 йил	30,0	10000	1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун.
Ипак йўли				
« Хазина » *	3 ой	20,0	100000	Ҳар ой фониз тўланади.
Муддатли	6 ой	22,0	100000	Ҳар ой фониз тўланади.
Халқ банк				
« Такдим этувчига » *	3 ой	18,0	5000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилади.
« Ташаккур » *	3 ой	18,0	5000	Тошкент вилояти учун.
« Маҳалла фидойилари » *	6 ой	36,0	300000	Маҳалла фаолларининг рўйхати асосида очилади. Физик коммунал тўловлар учун
« Олтин водий » *	6 ой	18,0	50000	Фониз олдиндан тўланади. Фарғона вилояти учун
« Пойтахт » *	100 кун	18,0	1000	Омонат шартини бузилса ва омонатини талаб қилиб олса, талаб қилиб олгунча фониз ставкаси бўйича даромади тўланади.
« Мукофот » *	3 ой	18,0	5000	3 ой муддатга қабул қилиниб омонат қолдиғи 4,5% тўланади.
« Имконият » *	1 йил	16,0	10000	1 йил муддатга фақат нақд пул қабул қилиниб 1 санага фониз даромади ҳисобланади.
« Даромад манбаи » *	6 ой	22,0	100000	Фонизлар ҳар ойда тўланади.
« Айём » *	3 ой	12,0	10000	Ютуқли омонат тури.
« Ташаббус » *	3 ой	22,0	20000	Фонизлар коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
« Ҳамкор » *	1 йил	22,0	300000	Фонизлар ҳар ойда тўланади.
« Фарзанд келажаги » **	6 йил	16,0	10000	Фарзанд 7 ёшга тўлгунча амал қилинади.
« Мустақил ҳаёт » **	6 йил	16,0	10000	Фарзанд 16 ёшга тўлгунча амал қилинади.
Траст банк				
« Баҳор » *	1 ой	21,0	100000	Муддати тугагандан сўнг капитал билан қўшиб берилади.
« Меҳр » *	45 кун	20,0	100000	Фонизлар муддати тугагандан сўнг берилади.
« Марварид » *	3 ой	22,0	200000	Фонизлар муддати тугагандан сўнг берилади.
« Оқ йўл » *	24 ой	12,0		Автомобилнинг нархидан 50% кам бўлмаслиғи керак, кредит олиш учун.
Али Жамол банк				
« Ойла » *	6 ой	22	50000	
« Набира » *	1 йил	20	50000	
Равнак банк				
« Олтин куз » *	3 ой	22	300000	Фониз муддати тугагандан сўнг олинади.
« Барака » *	6 ой	24	500000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
Туркистон банк				
Муддатли	2 ой	22	50000	2 ойдан сўнг 4 фониз қўшиб тўланади.
Муддатли	3 ой	22	5000	Ўз вақтида олмаса назоратчи томонидан иккинчи муддатга узайтирилади.
Муддатли	6 ой	22	5000	6 ойга 12 фониз тўланади.
Муддатли	12 ой	24	10000	12 ойдан сўнг 26 фониз қўшиб тўланади.
« Капитал плюс » *	6 ой	22	5000	Ҳар ойда 2 фониз тўланади.
Капитал банк				

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОНИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ 2006 йил 1 июл ҳолатига

Депозит тури	Муддати	Йиллик фониз	Бошланғич бадал	Эслатма
ҒИФ Миллий банки				
Эгаси ёзилган (Именной)	Муддатли	1-2 йил	3,75	300-5000
			4	5000-10000
Муддатли	2-3 йил	4,5	4,25	10000 дан юқори
			4,5	300-5000
			5,25	5000-10000
Муддатли	3 ой	2,75	3	300-5000
			3,5	5000-10000
Муддатли	6 ой	3,25	3,5	300-5000
			3,5	5000-10000
			4	10000 дан юқори
« Хавас » **	1 йил	6	1000	3 ой муддатдан сўнг қўшимча маблағ қўйиш имконияти бор.
« Сармоя-1 » **	45 кун	6	10000	Фонизлар сўмда тўлаб берилади.
« Сармоя-2 » **	2 ой	5,5	5000	Қўшимча маблағ қабул қилинмайди.
« Фойдали » **	6 ой	4,5	5000	Фонизлар аванс тарикасида берилади.

Такдим этувчига (на предъявителя)	Муддатли	1-2 йил	3,5	300-5000	
			3,75	5000-10000	
			4,25	10000 дан юқори	
Муддатли	2-3 йил		4	300-5000	
			4,25	5000-10000	
			4,75	10000 дан юқори	
Муддатли	3 ой		2,5	300-5000	
			2,75	5000-10000	
			3,25	10000 дан юқори	
Муддатли	6 ой		3	300-5000	
			3,25	5000-10000	
			3,75	10000 дан юқори	
Ўзсаноатқурилиш банки					
Пластик карточка			2	50	
Visa Electron			2	50	
Visa Classic			6	100	
Муддатли	1 йил		6	100	
Асака банк					
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача		5,5	1000-2000	Фониз омонат бепилганда тўланади.
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача		6,5	2000-5000	Фонизини ҳар ярим йилда олиш мумкин.
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача		7,0	5000 ва юқори	Фонизини ҳар ярим йилда олиш мумкин.
Ипотека-банк					
Муддатли	1-3 ой		2,5	1000	
Муддатли	3-6 ой		3,0	1000 юқори	
Муддатли	6-9 ой		3,5	1000 юқори	
Муддатли	9-12 ой		4,0	1000 юқори	
Муддатли	1-3 йил		5,0	1000 юқори	
Муддатли	3-5 йил		6,0	1000 юқори	
Муддатли	5 йилдан юқори		8,0	1000 юқори	
Туронбанк					
Муддатли	12 ой		4,0	500	Қабул қилиш, фониз тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади.
Муддатли	3 ой		6,0	100	Фонизлар тўлов кунига курс бўйича бўнақ тарикасида берилади.
Муддатли	6 ой		8,0	500	
Муддатли	12 ой		10,0	1000	Курс бўйича бўнақ тарикасида берилади.
Халқ банки					
Муддатли	1 йил		1,5	300	Фониз даромадлари талаб қилиб олгунча омонатига белгиланган фониз ставкаси.
Равнак банк					
"Victory"	3 ой		8	500	
"Comfort"	6 ой		9	500	
"Garant"	9 ой		10	1000	
"Prestige"	1 йил		11	1000	
Ипак йўли банк					
"Фортуна" **			2 ой	4	
			3 ой	5	-/-
			4 ой	5	-/-
			5 ой	6	-/-
			6 ой	7	-/-
			7 ой	8	500
			8 ой	9	500
			9 ой	10	1000
			10 ой	10	1000
			11 ой	10	1500
			12 ой	10	2000
			Капитал банк		
Муддатли	3, 6, 9 ой		6	400	фониз муддати тугаганда тўланади.
Муддатли	12 ой		8	500	фониз муддати тугаганда тўланади.
Муддатли	12 ой		9	500	фонизлар олдиндан аванс берилади. МБ курси бўйича сўмда тўланади.
Али Жамол банк					
Муддатли	90 кун		6	500	МБ курси бўйича сўмда тўланади.
	6 ой		7	500	
	1 йил		10	500	
Алока банк					
Муддатли	3 ой		3		
Муддатли	6 ой		3,5		
Муддатли	12 ой		4		
Муддатли	1 йилдан юқори		5		
Траст банк					
Ишонч-1 *	3 ой		8	300	Фонизлар сўмда берилади.
Ишонч-2 *	6 ой		9	300	Фонизлар аванс тарикасида берилади.
Ишонч-3 *	9 ой		10	300	Фонизлар сўмда берилади.

Ахборот УЎР Марказий банки томонидан «Банк ахборотномаси» учун махсус тақдим этилди.

БАНАВ АХВОРОДНОМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 29 (532) 2006 йил 26 июл

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида банк тизимининг 2006 йилнинг 1-ярмидаги фаолияти яқунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларга эришишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги масалала бағишлаб ўтказилган йиғилишда банк тизими олдида қўйилган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган Бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ бошқарди.

Қайд этилдики, ҳисобот даврида қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш натижасида инфляция даражаси 3,5 фоизни ташкил этди.

Инфляциянинг пасайиши миллий валюта алмашув курси барқарорлигининг таъминланишига, аҳолининг реал даромадлари ошишига, тижорат банклари фоиз ставкаларининг пасайишига ва шунга мос равишда иқтисодийнинг реал тармоқларига ажратилган кредит ҳажмининг жиддий ортишига замин яратди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан реал секторга миллий валютада ажратилган кредитлар миқдори 34,3 фоизга ошиб, 1 июл ҳолатига кўра 1 трлн. 676 млрд. сўмни

ташкил этди. Бу кредитларнинг 70 фоизи узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келади.


Банклар томонидан иқтисодийнинг реал секторига ажратилаётган кредит қўйилмалари асосан устувор лойиҳаларни молиялаштиришга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Сўнгги йилларда банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банкларнинг умумий капитали, активлари ва кредит қўйилмалари ўтган даврда сезиларли даражада ошди.

Хусусан, банкларнинг активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,8 фоизга ошди (1-диаграмма).



Банкларнинг ялпи капитали ҳам 16,6 фоизга ортди (2-диаграмма).



(Давоми 2-бетда).

ИПОТЕКА-БАНК: ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ

"Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-10 сонли қарори асосида "Ўзуйжойхамгармабанк" ва "Замин" банклари негизида ташкил этилди.

Бугунги кунда банкнинг мамлакат бўйлаб жами 38 та филиали мавжуд бўлиб, шулардан 11 таси Тошкент шаҳрида жойлашган.

"Ипотека-банк" Тошкент шаҳар филиалларининг активлари йил бошидан 56 428,9 млн. сўмга ёки 19,4 фоизга ошиб 290 474 млн. сўмга етди (2006 йил 1 июл ҳолатига). Банк

капитали 21 845,4 млн. сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2006 йилнинг бошига нисбатан 831,3 млн. сўмга кўпдир.

Мижозлар талабидан келиб чиқиб, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида "Ипотека-банк" Тошкент шаҳар филиаллари худудидаги мини-банклар сонини тобора кўпайтириб боришга катта аҳамият бермоқда. Айни пайтда рўйхатдан ўтган 33 та мини-банк ўз иш фаолиятини узлуксиз давом эттириб, мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

"Ипотека-банк" нафақат филиал ва мини-банклар, балки валюта айирбошлаш ва пул ўтказиш хизматлари шохобчалари сонини ҳам ошириб бормоқда. 2006 йил 1 июл ҳолатига мазкур банкнинг Тошкент шаҳар филиаллари тизимида 65 та валюта айирбошлаш ва 19 та Western Union шохобчалари аҳолига беминнат хизмат қилиб келмоқда.

(Давоми 6-бетда)

"UZKDB" СТРАТЕГИК ТАРМОҚЛАРНИ МОЛИЯЛАШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Ўзбекистон-Корея банки ташкил этилиши муносабати билан яқинда бўлиб ўтган ўзгаришлар газетхонларимизда қизиқиш туғдирди. Биз "UzKDBбанк" бошқаруви раисининг ўринбосари Бахтиёр АБДУЛЛАЕВга бир неча савол билан муурожаат этдик.

Бахтиёр Маҳмуджонович, UzDaewooбанк мамлакатимизнинг молия бозорида тўққиз йил иш олиб борди, 2006 йил май ойидан бошлаб эса, унинг номи "UzKDBбанк" деб ўзгартирилди. Бунинг сабаблари нимада?

"ЎзДЭУбанк" аввал бошдан Daewoo Securities (Жанубий Корея) томонидан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), шунингдек, иккита маҳаллий банк, яъни Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва "Туронбанк" билан ҳамкорликда таъсис этилган эди. Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, "ЎзДЭУбанк" фаолияти анча муваффақиятли кечди.

Буни молиявий кўрсаткичлардан ҳам билса бўлади. Бироқ банкнинг етакчи акциядорларидан бири Daewoo Securities ўз акцияларини Корея тараққиёт банки (KDB)га сотиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳол шу йилдан эътиборан банкнинг фаолиятини ҳам тубдан ўзгартириш учун асос бўлди. Ўзбекистон Президенти Исролом Қаримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг шу йил март ойида Кореяга қилган ташрифи "ЎзДЭУбанк"ни "UzKDBбанк"ка айлантиришга сабаб бўлди. Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир бир қатор жуда муҳим ҳужжатлар имзоланди.

(Давоми 2-бетда).

БУ СОНДА:

2

Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш тартиби

5

Микрокредитлар банк хизматлари бозорининг ривожланиши талабидир

7

Тижорат банкларида халқаро ҳисоб-китоб истиқболлари

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 25 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	922,45
1 Англия фунт стерлинги	2274,67
1 Дания кронаси	208,18
1 БАА дирҳами	334,02
1 АҚШ доллари	1226,83
1 Миср фунти	213,73
1 Исландия кронаси	16,68
1 Канада доллари	1077,68
1 Хитой юани	153,73
1 Кувейт динори	4242,30
1 Россия рубли	45,59
1 Украина гривнаси	242,94
100 Ливан фунти	81,73
1 Малайзия ринггити	332,84
1 Норвегия кронаси	195,83
1 Польша злотийси	392,76
1 Сингапур доллари	774,32
1 СДР	1813,45
1 Туркия лираси	791,76
1 Швеция кронаси	167,76
1 Швейцария франки	988,58
1 ЕВРО	1552,31
10 Жанубий Корея вони	12,90
10 Япония иенаси	105,26

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 25 июл ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1225,00	1228,00	1553,00	1573,00
"Асака" банки	1225,00	1228,00	1553,00	1558,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1225,00	1230,00	1553,00	1563,00
"Пахта Банк"	1225,00	1228,00	1550,00	1554,00
"Халқ банк"и	1225,00	1229,00	1553,00	1568,00
"Ипотекабанк"	1225,00	1228,00	1553,00	1560,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1227,00	1228,00	1534,00	1542,00
"UzKDBбанк"	1225,00	1235,00	1552,00	1575,00
"Фаллабанк"	1225,00	1229,00	1553,00	1560,00
"Трастбанк"	1225,00	1227,00	1553,00	1563,00
"Алп Жамол банк"	1225,00	1235,00	1549,00	1563,00
"Алоқабанк"	1225,00	1228,00	1552,50	1575,80
"У-Т банк"	1228,00	1228,00	1553,00	1572,00
"Туронбанк"	1228,00	1230,00	1554,00	1556,00
"Савдогарбанк"	1225,00	1228,00	1553,00	1565,00
"Ипак йўли" банки	1225,00	1227,00	1549,99	1552,53
"Микрокредитбанк"	1225,00	1228,00	1550,00	1554,00
"Туркистон" банк	1226,00	1228,00	1540,00	1580,00
"Даврбанк"	1225,00	1230,00	1580,00	1595,00
"Кредит-Стандарт" банки	1225,00	1230,00	1552,50	1570,00
"Капитал банк"	1225,00	1228,00	1552,40	1575,00
"Содерат банк"	1225,00	1232,00	1520,00	1590,00
"Хамкорбанк"	1226,00	1230,00	1553,00	1573,00
"Универсалбанк"	1225,00	1235,00	1549,00	1562,00
"Парвинабанк"	1225,00	1230,00	1553,00	1555,00

Қ А Р О Р И

2006 йил 13 май

№ 11/9

Тошкент ш.

**КРЕДИТ УЮШМАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА
УЛАРНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 23 июнда 1586-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 3 июлдан кучга киради

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17 ва 50 - моддалари ҳамда «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 4, 5, 6, 7 ва 10-моддаларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви

Қарор қилади:

1. Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва уларни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун муддат ичида кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Марказий банкнинг 2002 йил 25 майдаги 14/23-сонли қарор ва у билан тасдиқланган «Кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдорини, рўйхатга олиш учун йиғим миқдорини, ижро этувчи орган раҳбарига малакавий талабларни, кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш ва рўйхатга олиш шакллари ва тартибини ҳамда кредит уюшмасининг аъзоси томонидан пай бадалини тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги Низом (2002 йил 21 июнда 1151-сон билан рўйхатга олинган) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Марказий банк Раиси

Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 13 майдаги
11/9-сонли қарори билан
тасдиқланган
№ 637**

**КРЕДИТ УЮШМАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА
УЛАРГА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартибини белгилайди.

1. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар

1. Кредит уюшмалари устав фондининг энг кам миқдори қуйидагича ўрнатилади:

50 минг АҚШ доллари эквивалентида - Тошкент шаҳрида тузилаётган кредит уюшмалари учун;

25 минг АҚШ доллари эквивалентида - бошқа аҳоли пунктларида тузилаётган кредит уюшмалари учун.

Устав фондининг белгиланган энг кам миқдорининг миллий валютадаги эквиваленти муассислар томонидан кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги матнда - Марказий банк) курси асосида белгиланади.

2. Устав фонди мазкур Низомда кредит уюшмаларига ўрнатилган миқдордан кам бўлган кредит уюшмалари ушбу Низом кучга кирган кундан бошлаб бир йил давомида устав фондининг миқдорига қўйилган талабларни бажаришлари лозим.

3. Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан кредит уюшмасининг устав фондини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтигача устав фонди маблағларини тўплаш учун Ўзбекистон Республикаси банкларида вақтинчалик жамғарма ҳисобварағи очилади.

Вақтинчалик жамғарма ҳисобварағи кредит уюшмасининг ваколатли вакили аризаси асосида очилади.

Пай бадаллари кредит уюшмаси аъзолари томонидан устав фондини шакллантириш учун кредит уюшмаси номига тижорат банкида очилган вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига шахсан топширилади.

Марказий банкка кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўлиқ ҳужжатлар тўплами тақдим этилгандан сўнг ва кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензия олгунга қадар, банкларда очилган вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига қўшимча пул маблағларини қўйиш ёки жамғарилган пул маблағларини қайтариб олишга йўл қўйилмайди. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

Кредит уюшмасини рўйхатга олиш рад этилган ҳолларда вақтинчалик жамғарма ҳисобварағидаги маблағлар муассисларга қайтарилади.

II. Рўйхатга олиш учун йиғим

5. Кредит уюшмаси давлат рўйхатига олингани учун тўлов кунда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида йиғим ундирилади.

6. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун ҳужжатларни тақдим этишдан аввал кредит уюшмасини давлат рўйхатига олиш учун йиғим Марказий банк ҳисобварағига ўтказилади.

7. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган ҳолда тўланган йиғим Марказий банк томонидан уч кун ичида муассисларга қайтарилиши керак.

III. Ҳужжатларни тақдим этиш тартиби

8. Муассислар томонидан кредит уюшмаси манфаатларини ва Марказий банкнинг давлат рўйхатидан ўтказишга ҳамда лицензия беришга доир талабларини бажаришга ваколатли шахсни тайинлайдилар. Мазкур шахснинг ваколатлари муассислар умумий йиғилишининг баёни билан белгиланади.

9. Ваколатли шахс муассислар умумий йиғилиши томонидан кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг 90 кундан кечиктирмасдан Марказий банкка ёки унинг ҳудудий бошқармасига қуйидагиларни тақдим этади:

жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолдаги рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

муассислар умумий йиғилишининг кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги баённомаси;

кредит уюшмасининг устави;

кредит уюшмаси фаолиятининг бизнес-режаси;

юридик шахслар – муассисларнинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредит уюшмасининг устав фонди шаклланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;

рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

10. Тақдим этилган бизнес-режа куйидаги ҳолларда ишончли эмас деб ҳисобланади. Агарда:

бизнес-режа истиқболини белгилашда ишлатилган маълумотларнинг нореал тахминларга асосланганлигида;

кредит уюшмаси фаолиятини ривожлантириш стратегияси ва асосий йўналишлари тўлиқ очиб кўрсатилмаган бўлса;

молиявий истиқболлар (тахминий бухгалтерия баланси, янги аъзоларни жалб этиш режаси, депозит маблағларини шаклантириш режаси) бузиб тузилган ҳамда кредит уюшмаси фаолиятининг мўлжалланган стратегиясига мос келмаса.

11. Ҳажми бир варақдан зиёд бўлган, тақдим этиладиган барча ҳужжатлар алоҳида йиғмажилд шаклида тикилган бўлиши лозим.

12. Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини тўлиқлигини мазкур Низом талабларига мувофиқ уч кун муддатда ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш ва унга лицензия бериш масаласини кўриб чиқиш учун тақдим этади.

13. Давлат рўйхатига олиш билан бир вақтда кредит уюшмасига кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 1-сонли илова шаклига мувофиқ лицензия берилади.

14. Лицензия берилган вақтдан бошлаб олти ой

муддат ичида кредит уюшмаси ўз фаолиятини амалга оширишга киришиши лозим.

15. Лицензия олингандан сўнг, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси ваколатли шахсни кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи, керакли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлайди.

16. Кредит уюшмасини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин Марказий банк куйидагиларни ўз ичига олувчи юридик йиғмажилд-ни расмийлаштиради:

жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолдаги рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

муассислар умумий йиғилишининг кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги баённомаси;

кредит уюшмаси устави (устки қисмига Марказий банк ваколатли мансабдор шахсининг имзоси ва Марказий банк муҳри қўйилган ҳолда);

Кенгаш раиси имзолаган муассислар рўйхати ва улар томонидан тўланган пай бадаллари миқдори;

Марказий банк Бошқарувининг кредит уюшмасини давлат рўйхатига олиш ва унга лицензия бериш тўғрисидаги қарори;

кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия;

кредит уюшмасини рўйхатга олиш тўғрисидаги карта (2-сонли илова).

17. Юридик йиғмажилд Марказий банк томонидан уч нусхада тайёрланади:

бир нусхаси кредит уюшмаси Кенгаш раисига имзо қўйдирилган ҳолда топширилади ва у юридик ҳужжатларни сақлаш учун мўлжалланган махсус жойда сақланиши лозим;

бир нусхаси Марказий банкда сақланади;

бир нусхаси кредит уюшмаси жойлашган манзили бўйича Марказий банкнинг ҳудудий бошқармасига юборилади.

IV. Кредит уюшмаси аъзолик сертификати шакли ва уни бериш тартиби

18. Шахснинг кредит уюшмасига аъзо эканлигини тасдиқловчи ҳужжат сертификати ҳисобланади (3-сонли иловага мувофиқ берилади). Сертификат кредит уюшмаси раҳбари томонидан имзоланади ва унинг имзоси кредит уюшмаси муҳри билан тасдиқланади.

Сертификатнинг иловаси кредит уюшмаси аъзоси томонидан киритилган пай бадали миқдорини белгилайди ҳамда сертификатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Сертификатнинг иловаси бош бухгалтер имзоси ҳамда уюшма муҳри билан тасдиқланади.

Кредит уюшмаси аъзосининг – юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг – исми шарифи ўзгарганида, берилган сертификат бекор қилинади ва кредит уюшмасига аъзо бўлган санаси кўрсатилган ҳолда янги шаклдаги сертификат берилади.

19. Пай бадалларини тўлаганлик ва кредит уюшмасига аъзо бўлганлик сертификати кредит уюшмаси давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг берилади.

20. Янги тузилаётган кредит уюшмалари учун бадалларни тўланганлик тасдиғи бўлиб, вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига пул ўтказилганлиги тўғрисидаги банк кўчирмаси ҳисобланади.

V. Кредит уюшмаси Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш

21. Кредит уюшмаси Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ўзгартиришлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка

давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

22. Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Марказий банкка қуйидаги ҳужжатлар 3 нусхада тақдим этилади:

кредит уюшмаси Кенгаши раиси имзоси билан уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси;

кредит уюшмаси Кенгаш раиси томонидан имзоланган кредит уюшмаси уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар матни.

23. Марказий банк тақдим этилган ҳужжатларни мазкур Низом ва қонунчилик талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади.

Ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 30 календар куни ичида кўриб чиқилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар қонунчилик ва мазкур Низом талабларига жавоб бермаган ҳолда, ҳужжатлар кредит уюшмасига қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилади.

24. Марказий банкнинг Кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссияси (кейинги матнда - Комиссия) томонидан кредит уюшмаси уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, кредит уюшмаси уставига устки қисмига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилади ва тақдим этилган ҳужжатларнинг бир нусхаси Марказий банкда сақланадиган кредит уюшмасининг юридик йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг бир нусхаси Комиссиянинг ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қилинган мажлис баённомасидан кўчирма билан бирга кредит уюшмаси жойлашган манзил бўйича Марказий банк ҳудудий бошқармасига ва кредит уюшмасига уларда сақланадиган юридик йиғмажилдига тикиб қўйиш учун юборилади.

25. Кредит уюшмаси уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Марказий банкда давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

VI. Кредит уюшмаси филиалини тузиш тартиби

26. Филиал уни тузган кредит уюшмаси томонидан мол-мулк билан таъминланади. Филиал номланиши «филиал» сўзи кўрсатилган ҳолда уни тузган кредит уюшмаси номи билан мос келиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган кредит уюшмаси филиаллари юридик шахс ҳисобланмайдилар.

Кредит уюшмаси филиали қонунчиликка мувофиқ кредит уюшмаси Кенгаши қарорига биноан Марказий банкда ҳисобга олинган ҳолда тузилади (ёки тугатилади).

27. Филиал ўз фаолиятини кредит уюшмаси Кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги Низом ва кредит уюшмасига берилган лицензия асосида амалга оширади.

28. Кредит уюшмаси қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда филиал тузиши мумкин:

кредит уюшмасининг молиявий аҳволи қониқарли бўлиши;

кредит уюшмаси қонунчилик ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя этиши;

кредит уюшмаси кунлик жамлама бухгалтерия ба-

лансини тузиш учун керакли дастурий-техник воситаларга ҳамда малакали бухгалтерия ходимларига эга бўлиши;

филиал очаётган кредит уюшмаси рўйхатга олинган кундан бошлаб камида икки йил давомида ўз фаолиятини амалга оширган бўлиши;

Марказий банк талабларига жавоб берадиган тегишли хоналар ва ускуналар мавжудлиги.

29. Мазкур Низом мақсадлари учун кредит уюшмасининг молиявий ҳолати қуйидаги ҳолатларда қониқарли ҳисобланади:

кредит уюшмаси ўз фаолиятининг жорий йил натижаларига кўра соф фойда олиши;

муддати ўтган кредитларнинг суммаси охири олти ой давомида кредит уюшмасининг кредит портфели ҳажмининг 10 фоиздан юқори бўлмаслиги;

кредит уюшмасининг капитали устав фонди ва текинга олинган мулкларни чегиргандан сўнг охири олти ой давомида кредит уюшмаси активларининг камида 10 фоизни ташкил этиши.

30. Кредит уюшмаси филиалини ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тўплами тақдим этилади:

иқтисодий асослаб берилган ҳолда мазкур филиални тузиш тўғрисидаги ариза;

филиални тузиш тўғрисидаги кредит уюшмаси Кенгашининг қарори;

кредит уюшмаси томонидан бериладиган ваколатлар доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрсатилган филиал тўғрисида Низом;

филиал раҳбари ва бош бухгалтер лавозимига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумот.

31. Филиални тузиш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўплами Марказий банк томонидан 30 календар куни ичида кўриб чиқилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ҳамда қонунчилик талабларига ва мазкур Низомнинг 28-бандига мувофиқ келса, шунингдек кредит уюшмаси томонидан барча зарур ташкилий-техник чора-тартиблар бажарилган ҳолда, Кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссиясига кредит уюшмаси филиалини ҳисобга олиш масаласи киритилади. Агар тақдим этилган ҳужжатлар тўплами ушбу Низом ва қонунчилик талабларига зид бўлса, ҳужжатлар тўплами сабаблар кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

Ҳужжатлар қайтадан тақдим этилганда. Филиал тўғрисидаги низом кредит уюшмаси Кенгаши томонидан қайтадан тасдиқланиши керак.

32. Кредит уюшмаси филиалини ҳисобга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда кейинчалик бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги аниқланган ҳолда ҳамда филиалнинг фаолияти натижасида кредит уюшмасининг молиявий ҳолати оғирлашганда Марказий банк кредит уюшмасидан мазкур филиални тугатишни талаб қилиши мумкин.

33. Кредит уюшмасининг филиали жойлашган манзили бўйича қонунчиликда кўрсатилган тартибда банкда ҳисобварағини очади ва қонунчиликка ҳамда кредит уюшмасининг филиал тўғрисидаги Низомига мувофиқ ҳисоб-китоб ва касса хизматини олиб боради.

VII. Лицензия йўқотиб қўйилганлиги учун дубликат бериш

34. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин. Лицензиат лицензия дубликати олиш учун лицензияловчи органга юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда лицензия дубликати бериш тўғрисида ариза тақдим этади.

**Кредит уюшмаларини
рўйхатга олиш ва уларга
лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги
Низомга 1-сонли илова**

**Кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун
_____ -сонли Лицензия**

200__ й. «__» _____

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 20__ йил «__» _____ даги _____ -сонли қарорига мувофиқ

_____ (Кредит уюшмасининг тўлиқ номи)

_____ кредит уюшмаси

_____ (почта манзили ва бошқа реквизитлар)

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунига асосан фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу лицензия белгиланмаган муддат давомида амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу лицензия амал қилишини тўхтатиб қўйиши, тўхтатиши ёки Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Кредит уюшмалар тўғрисида»ги қонунларида кўзда тутилган ҳолларда уни бекор қилиши мумкин.

Кредит уюшмаси 20__ йил «__» _____ да _____ -рақам остида кредит уюшмаларини рўйхатга олиш Давлат китобига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг ўринбосари

_____ (исми шарифи)

_____ (М.Ў.)

_____ (имзо)

Серия АА № 000000.

**Кредит уюшмаларини
рўйхатга олиш ва уларга
лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги
Низомга 2-сонли илова**

Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш картаси


Кредит уюшмасининг номи	
Почта манзили:	
Лицензия рақами ва берилган санаси	
Кредит уюшмаси Кенгаши раиси	
Телефон рақами	
Кредит уюшмасининг ижро этувчи орган раҳбари	
Телефон рақами	
Бош бухгалтер	
Телефон рақами	

Рўйхатга олиш санасига асосий кўрсаткичлар

Устав фонди суммаси	
Аъзолар сони, юридик шахслар	шулардан: жисмоний шахслар

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси ўринбосари _____ й.

(Давоми бор).



ИПОТЕКА-БАНК: ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мижозларга кўрсатилаётган хизматларга қараб, кредит амалиётлари таркибида лойиҳаларни молиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш, лизинг амалиётлари, шунингдек кейинги вақтларда жисмоний шахсларга кенг кўламли таклиф этилаётган микрокредитларнинг берилишини кенгайтириш муҳим ўрин тутади. "Ипотека-банк" АИТБ Тошкент шаҳрида жойлашган барча филиаллар томонидан жами ажратилган кредитлар қолдиғи 76 931,8 млн. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, "Ипотека-банк" АИТБ коммунал соҳада иқтисодий ислохотларни татбиқ этишда ўз ўрнини сақлаб қолиш учун бир қанча эътиборга молик ишларни бажариб келмоқда. Бунда авваламбор коммунал хўжалиги ташкилотларига тегишли бўлган ҳукумат қарорларининг ижроси юқори даражада бажарилмоқда. Шунингдек, ташкилотларнинг молиявий аҳолини соғломлаштириш ва энг асосийси улар-

нинг дебитор қарздорлигини қисқартириш, уларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланмаганлигини, зарар кўриб ишлаётганлиги сабабларини ўрганиш ва барқарор ишлаши бўйича керакли чоралар кўриломоқда.

Банк коммунал хўжалиги ташкилотларининг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳам маълум миқдорда кредитлар ажратди. Хусусан, корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарздорлигини қисқартиришга 1,3 млрд. сўм миқдорда мақсадли кредитлар ажратиб, 4 млрд. сўмлик иқтисодий самарга эришди. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 61-сонли "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида"ги Қарорини бажариш мақсадида банк жорий йилда "Ўзкоммунхизмат" агентлигига, ўзаро қарздорликлар ҳисоб-китоби учун "Тошкент иссиқлик қуввати" ИЧБга, "Сувсоз" ДУКга, "Тошкент иссиқлик маркази" ОАЖга ҳамда "Тошкент иссиқлик электр маркази"

ОАЖларга жами 8,5 млрд. сўмлик кредит маблағларини ажратди. Бундан ташқари, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш мақсадларига ҳам жами 3,5 млрд. сўмлик кредит маблағлар йўналтирилган.

Аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловлар қабул қилиш ишлари ҳам филиаллар томонидан жадал суръатларда



бажарилиб келинмоқда. Жорий йилда банкнинг аҳолидан йиққан коммунал тўловлари 52 642,6 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бу ўтган йилги шу даврга нисбатан 18 фоизга ошганлигидан далолатдир.

Банк нақд пул тушумини янада шакллантириш мақсадида коммунал ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйди. Хусусан, ҳамкорликда ташкил этилган кўчма кассалар сони бугунги кунда 85-90 тага етиб, улар орқали йиғилаётган кунлик йиғим ўртача 35-40 млн. сўмдир. Аини пайтда аҳолидан

мана шундай маиший хизмат тўловларини қабул қилиш учун 12 та махсус машиналар ажратилган.

"Ипотека-банк" Тошкент шаҳар филиалида аҳолига хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, банкнинг мавжуд 309 та жамғарма кассалари орқали жалб қилинган омонатлар қолдиғи жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 21 778 млн. сўмни ташкил этиб, жорий йил бошига нисбатан 40 фоизга ёки 8 621 млн. сўмга ошган.

"Ипотека-банк" нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириб бормоқда. Жумладан, миждозларнинг чакана савдода, коммунал тўловларда ва маиший хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда электрон тўлов воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, қолаверса пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини тобора қисқартириш мақсадида 141916 дона пластик

карточкаларни муомалага чиқарди. Уларнинг 22 таси корпоратив миждозлар учун, 95339 таси эса, ойлик иш ҳақи лойиҳаси асосида чиқарилган пластик карточкалардир. Жойларга ўрнатилган банккомат ҳамда терминаллар сони 461 тани ташкил қилиб, уларнинг 216 таси савдо нуқталарига жойлаштирилган. Жорий йилнинг 1 июлига қадар банкнинг пластик карточкалар орқали ўтказган тўловлар суммаси 1 858,7 млн. сўм, қолдиқ маблағлар эса, 297,8 млн. сўмни ташкил қилади.

Гулшан ЮСУПОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 2-бетда).

Мақтабларнинг директор жамғармасидан 202 минг ўқитувчига ёки улар умумий сонининг 44 фоизига кўшимча тўлов белгиланди, улар ҳажми 28,3 млрд. сўмни ташкил қилди. «Ҳомийлар ва Шифокорлар йили» тадбирлари доирасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш анча кенгайди ва у 106 млрд. сўмни ташкил қилди.

Шу билан бир қаторда, Вазирлар Маҳкамаси мажлиси қатнашчиларининг асосий эътибори амалда ҳал этишни талаб қиладиган мавжуд камчиликлар ва муаммоларга қаратилди.

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг яқин бир неча йилга мўлжалланган мақсадли комплекс дастурларини тасдиқлаш бўйича бир қатор муҳим фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Кўрсатиб ўтилган дастурларни асосий боғловчи омил – бу уларнинг ижтимоий йўналтирилганлигидир.

Иқтисодиёт вазири Б. Хўжаев, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. Исмоилов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. Обидов, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, республиканинг бир қатор шаҳар ва туманлари ҳокимлари ҳисоботларида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантириш, хизматлар ва сервис соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли даромадларини кўпайтириш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликда ислохотларни чуқурлаштириш дастурларининг биринчи босқичлари амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди.

Мажлисида қайд этилганидек, кимовди савдоларида аҳолига 12 минг бошдан ортиқ қорамол сотилди. Фақат Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси томонидан ушбу мақсадлар учун 6,15 млрд. сўм кредитлар ажратилди ва ўзлаштирилди. Омикта озқалар билан кафолатли таъминлаш масалалари ишлаб чиқилди ва ҳал этилмоқда. Республиканинг кам таъминланган оилаларига сигирларни бепул ажратиш ишлари кенгаймоқда.

Касаначилик соҳасида, шу жумладан, йирик sanoat корхоналари билан кооперациялаш йўли билан 78,3 минг иш ўринлари, шу жумладан, корхоналар билан меҳнат шартномалари бўйича 22,4 минг иш ўринлари ташкил этилди. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми анча кўпайди ва у қарийб 890 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ихтисослаштирилган 210 та мева-сабзавотчилик ва узумчилик қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) негизда 39 минг фермер хўжаликлари ташкил этилди. Қайта ишловчи sanoat корхоналари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар муассислари бўлган 195 та агроsanoat фирмалари фаолият кўрсата бошлади. Улар томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажми кўпайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармойишга мувофиқ чет эл тажрибасини ўрганиш асосида фермер хўжаликларини, кичик корхоналар ва агрофирмаларни жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, минитехнологиялар ва ихчам ишлаб чиқариш воситалари харид қилиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, вазирликлар ва идораларнинг, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг ташкилотчилик ишлари етарли эмаслиги сабабли ушбу ижтимоий жиҳатдан муҳим дастурларнинг белгиланган вазибалари ва прогноз параметрлари белгиланган муддатларда ва талаб қилинган ҳажмда бажарилмаяпти. Шу муносабат билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири (С. Исмоилов), «Ўзэлтехsanoat» уюшмаси (Ш. Умаров), Андижон (С. Бегайиев), Тошкент (М. Кучиев), Сурхондарё (А. Эшмуратов) вилоятлари, Улуғнор (С. Эсонов), Сирдарё (Х. Раззоқов) ва Янгиқўрғон (И. Мамажонов) туманлари ҳокимликлари фаолияти қаттиқ танқид қилинди.

Мажлис қатнашчилари олдига кўрсатиб ўтилган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурларини амалга ошириш, шунингдек, республика аҳолисини иш билан таъминлаш кўламли кенгайтириш бўйича амалий чораларни тизимли асосда таъминлаш вазибалари кўйилди.

Ҳукумат мажлисида, шунингдек, жорий йил инвестиция дастурини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Маълумки, ушбу дастур билан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларининг, айниқса, иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги ҳамда хорижий илғор, юқори самарали технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этиш, тўғридан-тўғри йирик хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши муайян даражада ушбу соҳалар ва тармоқларнинг ўзини янада изчил ривожлантиришга, шунингдек, республиканинг иқтисодий салоҳиятини оширишга кўмаклашади.

Мажлисида қайд этилганидек, Инвестиция дастури доирасида ҳозирдаёқ молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига қарийб 1625,0 млрд. сўм миқдорда

ўзлаштирилган капитал қўйилмалар билан бирга, бир қатор муҳим инвестиция лойиҳалари етарли суръатлар билан амалга оширилмаяпти. «Ўзбекенилsanoat» давлат-акциядорлик компанияси (Р. Рўзиқулов), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Э. Акрамов), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Ў. Ҳолмухамедов) тизимидаги, шунингдек, Бухоро (С. Хусенов) ва Наманган (И. Нажмиддинов) вилоятларидаги лойиҳалар шулар жумласидандир.


Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига йўл қўйилган қолақликнинг ўрнини тўлдирish бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жорий йил Инвестиция дастурида назарда тутилган устувор ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларнинг сўзсиз фойдаланишга топширилишини таъминлаш юқланди. Шу билан бирга, техник-иқтисодий асослашларни пухта тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар чиқаришнинг кафолатлайдиган ноу-хау ва технологиялардан фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг, шунингдек, ҳокимликларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланган ҳолда иқтисодиёт тармоқларини ва бутун ижтимоий соҳани олдиндаги куз-қиш даврига зарур даражада тайёрлашни таъминлаш масалалари комплекси муҳокама қилинди.

Бош вазир ўринбосарлари Э.Шоисматов, Н.Ханов нутқларида бир қатор вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг, шунингдек, Тошкент шаҳар (А. Тўхтаев), Учтепа (Ш. Муҳамедхонов) ва Чилонзор (Ҳ. Маҳкамов) туманлари ҳокимликларининг эътибори ўтган йилги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймасликка, энергетика, газ ва иситиш тизимларини, барча уй-жой фонди, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш объектларини мукамал ва жорий таъмирлашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш зарурлигига қаратилди. Шу муносабат билан республикада ташкил этилган, яқинда қабул қилинган қонунга мувофиқ янгича шароитларда фаолият кўрсатадиган 3026 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига алоҳида масъулият юқланиши таъкидлаб ўтилди.

Республика ҳукумати мажлисида кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича қарор қабул қилинди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан қўйилган 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир устувор вазибаларни сўзсиз бажариш ва келгуси 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар комплекси белгиланди.

ЎЗА материаллари асосида.



2006 йил 18 июлдан 24 июлгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар*

1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси

18.07.2006 й.да	- 26,93	росс. рубли
19.07.2006 й.да	- 27,02	росс. рубли
20.07.2006 й.да	- 27,06	росс. рубли
21.07.2006 й.да	- 26,97	росс. рубли
22.07.2006 й.да	- 26,91	росс. рубли

Украина

18.07.2006 й.да	- 5,0500	гривна
19.07.2006 й.да	- 5,0500	гривна
20.07.2006 й.да	- 5,0500	гривна
21.07.2006 й.да	- 5,0500	гривна

Беларус Республикаси

19.07.2006 й.да	- 2142,75	бел. рубли
20.07.2006 й.да	- 2142,00	бел. рубли
21.07.2006 й.да	- 2142,00	бел. рубли
24.07.2006 й.да	- 2142,25	бел. рубли

Эстония

19.07.2006 й.да	- 12,5148	крона
20.07.2006 й.да	- 12,3787	крона
21.07.2006 й.да	- 12,3425	крона
24.07.2006 й.да	- 12,3142	крона

Латвия

19.07.2006 й.да	- 0,5565	лат
20.07.2006 й.да	- 0,5504	лат
21.07.2006 й.да	- 0,5489	лат
24.07.2006 й.да	- 0,5498	лат

Литва

19.07.2006 й.да	- 2,7623	лит
20.07.2006 й.да	- 2,7314	лит
21.07.2006 й.да	- 2,7235	лит
24.07.2006 й.да	- 2,7280	лит

Молдова

19.07.2006 й.да	- 13,2500	лей
20.07.2006 й.да	- 13,3000	лей
21.07.2006 й.да	- 13,3400	лей
24.07.2006 й.да	- 13,3600	лей

Киргизистон Республикаси

22.07.2006 й.да	- 39,8700	сом
-----------------	-----------	-----

Тожикистон Республикаси

18.07.2006 й.да	- 3,3212	сомоний
19.07.2006 й.да	- 3,3214	сомоний
20.07.2006 й.да	- 3,3216	сомоний
21.07.2006 й.да	- 3,3262	сомоний

Козогистон Республикаси

19.07.2006 й.да	- 117,83	тенге
20.07.2006 й.да	- 116,77	тенге
21.07.2006 й.да	- 117,54	тенге
24.07.2006 й.да	- 117,60	тенге

Швейцария

19.07.2006 й.да	- 1,2536	швейц. франки
20.07.2006 й.да	- 1,2427	швейц. франки
21.07.2006 й.да	- 1,2384	швейц. франки
24.07.2006 й.да	- 1,2410	швейц. франки

Япония

19.07.2006 й.да	- 117,26	япон иенаси
20.07.2006 й.да	- 116,77	япон иенаси
21.07.2006 й.да	- 116,05	япон иенаси
24.07.2006 й.да	- 116,55	япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги

Буюк Британия

19.07.2006 й.да	- 1,8265	АҚШ долл.
20.07.2006 й.да	- 1,8511	АҚШ долл.
21.07.2006 й.да	- 1,8566	АҚШ долл.
24.07.2006 й.да	- 1,8541	АҚШ долл.

1 евро

Евроминтақа

19.07.2006 й.да	- 1,2496	АҚШ долл.
20.07.2006 й.да	- 1,2636	АҚШ долл.
21.07.2006 й.да	- 1,2674	АҚШ долл.
24.07.2006 й.да	- 1,2653	АҚШ долл.

* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБ АМАЛИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб амалиётини такомиллаштириш халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш самарадорлигини оширишни, улардан фойдаланиш механизмнинг мослашувчанлигини оширишни тақозо этади.

Бизга маълумки, халқаро банк амалиётида қўлланилаётган халқаро ҳисоб-китоб шакллари моҳиятига кўра иккига бўлинади:

1. Соф тўловлар.
2. Хужжатли тўловлар.

Соф тўловларга тўлов топшириқномалари ва чеклар воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар киради. Хужжатли тўловларга эса, хужжатлаштирилган аккредитивлар ва инкассо воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар киради.

Жаҳон халқаро савдо амалиётида хужжатлаштирилган аккредитивлар ва хужжатли инкассо воситасидаги ҳисоб-китобларнинг салмоғи бошқа ҳисоб-китоб шаклларига нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Бунинг асосий сабаби, аккредитивларда тўловнинг кафолатланганлиги ва хужжатли инкассода товар хужжатларини тўлов амалга оширилгандан сўнг берилишидир. Ушбу тўлов шартли импортёрни тўловни ўз вақтида амалга оширишга ундайди.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳужжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда халқаро ҳисоб-китобларнинг таъминланган аккредитив шаклидан кенг фойдаланилади. Бунинг сабаби шундаки, ушбу давлатлар халқаро Базел кўмитасининг экспертлари ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори рискли зона сифатида эътироф этилади. Шу сабабли, ушбу мамлакатлар билан бўладиган халқаро иқтисодий муносабатларда улар тўловлар кафолатланган ва тўлов кафолатини таъминлаш имконияти юқори бўлган халқаро ҳисоб-китоб шакллари қўлайдилар. Хужжатли аккредитив халқаро ҳисоб-китобларнинг ана шундай хусусиятларга эга бўлган шакли ҳисобланади.

Хужжатлаштирилган аккредитивларнинг таъминланганлик шаклида тўлов суммаси алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади ёки олдиндан экспортёрнинг банкига етказиб берилади. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг банк амалиётида эса, хужжатли аккредитивларнинг таъминланганлик шаклидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Бунда аккредитив суммаси алоҳида баланс ҳисобрақамида депонент қилинмайди, тўлов учун кафилликни эса, импортёрнинг банки ўз зиммасига олади.

Инкассонинг икки тури мавжуд бўлиб, улар соф инкассо ва хужжатли инкассодир. Соф инкассода фақат тўлов хужжатлари инкассога қабул қилинади. Хужжатли инкассода эса, фақат тижорат хужжатлари ёки тижорат хужжатлари тўлов хужжатлари билан биргаликда инкассога қабул қилинади.

Хужжатли инкассода банк товарларнинг хужжатларини импортёр тўловни амалга оширгандан кейингина унга беради. Бу эса, импортёрни тўловни ўз вақтида амалга оширишга мажбур қилади. Чунки тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, импортёр хужжатларни ололмайди. Демак, у товарларни омборхонадан ёки темир йўл бекатидан олиш имкониятига эга бўлмайди. Бунинг натижасида товарларни бу жойлардан олиб чиқиб кетиш кечикади ва пировард натижада импортёр катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлади. Чунки, Божхона кўмитасига тегишли омборхоналар товарлар сақланган ҳар бир кун учун катта миқдорда ҳақ олади, темир йўл бекатларининг жарима ставкаси ҳам сезиларли даражада юқоридир.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида, экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш жараёнида, тижорат банкларининг ордерли чекларидан фойдаланилмайди. Бу эса, халқаро ҳисоб-китобларнинг самарадорлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Банкларнинг ордерли чекларининг муҳим афзалликларидан бири шундаки, уларни индоссамент воситасида учинчи шахсга узатиш мумкин. Демак, ордерли чеклар воситасида корхоналар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни кескин қисқартириш мумкин.

Бизнинг фикримизча, республикада тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини такомиллаштириш

нинг халқаро ҳисоб-китоб муносабатларида соф инкассо бўйича ва банкларнинг ордерли чеклари воситасидаги ҳисоб-китобларни жорий қилиш лозим. Бунинг учун мамлакатимиз корхоналарига импорт операциялари бўйича тижорат векселларни эмиссия қилишга рухсат бериш лозим. Фикримизча, корхона томонидан чиқарилган тижорат векселларининг таъминоти вазифасини корхонанинг ўз маблағлари бажариши лозим. Бундан ташқари, республикада тижорат банклари томонидан корхоналар тижорат векселларининг тўлови юзасидан кафиллик берилиши соф инкассо воситасидаги тўловлар ҳажмининг ошишига хизмат қилади.

2. Республикада тижорат банкларининг амалиётида очик ҳисобрақамлари бўйича ҳисоблашишни жорий қилиш лозим.

Очик ҳисобрақамлари бўйича ҳисоблашиш корхоналарнинг валюта маблағларини маълум қисмини уларнинг ҳўжалик оборотидан чиқиб қолишининг олдини



борасидаги асосий муаммолар куйидагилардан иборат:

1. Республикада тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб шаклларида тўлиқ фойдаланишни таъминланмаганлиги.

Республикада тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб муносабатларида фақатгина хужжатлаштирилган аккредитивлар ва хужжатлаштирилган инкассодан фаол тарзда фойдаланилмоқда. Банкларнинг ордерли чеклари ва соф инкассо банк амалиётида мавжуд эмас. Бу эса, тижорат банклари ва мижозларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг самарадорлигига салбий таъсир қилади.

2. Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг даромадлигига ва амалга ошириш тезлигига ижобий таъсир кўрсатувчи очик ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш усулининг республикада тижорат банкларининг амалиётида мавжуд эмаслиги.

Бизга маълумки, очик ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш, биринчидан, товарларнинг сотилишини тезлаштиради; иккинчидан, тўловларнинг кафолатланганлик даражасини оширади; учинчидан, тижорат банкларига қўшимча комиссия даромад келтиради.

3. Республикада тижорат банкларининг сезиларли қисмини халқаро электрон алоқа тизимларига уланмаганлиги муаммоси.

Бизга маълумки, ҳозирги даврда СВИФТ тизими дунёда энг самарали ва ишончли тизим ҳисобланади. Унинг самарали эканлиги операцияларни амалга ошириш қийматининг нисбатан пастлиги билан белгиланади. Унинг ишончлилиги эса, ҳозирга қадар тизимдан маълумотларни, пул маблағларини ўғирлаш, йўқолиб қолиш ҳолатларининг юзага келмаганлигида кўринади.

Республикада тижорат банкларининг сезиларли қисмини СВИФТ тизимига бевосита уланмаганлиги уларнинг ва мижозларининг ташқи иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

4. Республикада тижорат банкларининг асосий қисмида хорижий банклар билан тўғридан-тўғри вакиллик муносабатларининг мавжуд эмаслиги.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида куйидаги амалий таклифлар ва тавсияларни бериш мумкин:

1. Республикада тижорат банкларининг

Муҳаббат ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси
АТ "Пахта Банк"нинг
Денов филиали
бош мутахассиси,
Банк-молия академияси
тингловчиси.



«ПАХТА БАНК»ДА ЎТКАЗИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИ

Яқинда акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»да Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг долзарб масалалари» мавзуида қизиқарли давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда банк ходимлари ва мазкур марказдан ташриф буюрган вакиллар иштирок этишди. Давра суҳбатида ташкилотчилар томонидан махсус таклиф этилган республика давлат телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков сўзга чиқиб, иштирокчиларга жаҳонда кечаётган оламшумул воқеалар, жумладан, бугунги кундаги Яқин Шарқ воқеалари ҳақида гапириб берди. Шунингдек, мамлакатимизнинг Россия, Германия, Жанубий Корея каби ривожланган давлатлар билан ўрнатган сиёсий-иқтисодий алоқалари борасида ҳам алоҳида тўхталиб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Бундан ташқари, маърузачи Қ.Каримбеков ўз сўзида жорий йилда Тошкентда Россиянинг Ломоносов номли университети филиали очилганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Давра суҳбатида йиғилганларни кўпроқ Санкт-Петербургда ўтказилган «Саккизлик» саммити қизиқтирди. Шарҳловчи бундай оламшумул воқеани чуқур таҳлил қилиб берди.

Зарина УСМОНОВА.

МАҚСАДИМИЗ – ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳа йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга ихтисослашган етакчи таълим муассасаларидан биридир. Унинг янги турдаги таълим муассасаси – касб-хунар коллежи сифатидаги солномаси 1999 йилдан бошланди.

Шу қисқа даврда коллежда таълим жараёнини ташкил этиш, унинг мазмун ва сифат даражасини ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлиги, меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши масалаларига катта эътибор қаратилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳа йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи таълим муассасаси жамоаси ва ўқитувчи-педагоглари билан доимий изланиш, ўз фаолиятига ижодий ёндашишни талаб қилади.

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус касб-хунар таълимини берадиган, ўқувчиларнинг касбга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантиришни, танланган йўналиш бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни олишни таъминлайдиган янги турдаги таълим муассасасидир.

Коллежда «Бухгалтерия ҳисоби», «Молия», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Банк иши» каби ижтимоий-иқтисодий таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Коллеж ўқитувчилари томонидан «Бухгалтерия ҳисоби», «Молия», «Менежмент», «Суғурта иши», «Солиққа тортиш», «Банк иши», «Тижорат фаолияти» каби йўналишлар бўйича касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш учун тармоқ таълим стандартлари ишлаб чиқилган.

Коллежда «Банк иши» факультети ташкил этилган бўлиб, унда республикамизнинг барча банкларига кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Бугунги кунда таълим муассасасида олиб борилаётган ишлар ҳақида коллеж ўқувчилари бўйича директор ўринбосари Бахтиёр Раҳматов биз билан суҳбатда шундай деди:

Коллежimizда республикамизнинг барча вилоятларидан ўқувчилар келиб,

таълим олади. Ҳозирги кунда 2006-2007 ўқув йилига тайёргарлик кўриш билан бир қаторда янги талабаларни қабул қилиш билан шуғулланяпмиз. Ўқитувчиларимиз томонидан ўқиладиган маърузалар матнлари тайёрланяпти. Устоз-мураббийларимиз декабр ойида бўлиб ўтадиган аккредитация ҳамда аттестацияга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриб, ўз билимларини янада мустаҳкамламоқдалар. Биз талабаларни қабул қилаётганимизда ташвир муассасаси берган хулосага, ўқувчи психологиясига, маълумотига, оилавий шароитига, қизиқишига қараб гуруҳларга тақсимлаймиз. Одатда, «Банк иши» факультетида банк соҳасига қизиқувчи ёки ота-онаси шу касб эгаси бўлган ўқувчилар киради.

Банк ходимидан ҳалоллик, муомала маданиятига эга бўлиши, иш ҳужжатларини юрита олиши, этика, нутқ маданияти, компьютер саводхонлиги, чет эл банк тизимларини билиши талаб қилинади. Биз 3 йил давомида мана шу билим ва кўникмаларни ўргатиб борамиз. Талабанинг назарий билимларини мустаҳкамлаш учун амалиётга юборамиз. Коллежда ўқувчи-талабаларда иқтисодий малака ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида ТМИК-БАНК ташкил этилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим муассасасида амалга оширилаётган ишлар ёшларнинг пухта билим олишлари билан бирга, дунёқараши кенг, баркамол инсон бўлиб вояга етишишларида замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Зеро, Президентимиз айтганларидек: «Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда, ўзининг ўтмиши, улуг қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак».

Муаттар САОДАТОВА.

НАҚД ПУЛСИЗ ТЎЛОВ МУҲЛИСЛАРИ КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

Россияликлар пластик карточкалардан иш ҳақи олишдан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланмоқдалар. Россияда карточкалар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш тобора оммавийлашмоқда. Бу фақат реклама кампанияларининг натижаси эмас, балки давлатга бўлган ишонч ортиб бораётганлигининг самараси ҳамдир.

Статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, россияликлар товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун карточкалардан тобора кўп фойдаланмоқдалар. Чунончи, Visa компанияси хабар беришича, 2005 йил март ойи охиридан 2006 йил март ойи охиригача савдо корхоналарида карточкалар ёрдамида амалга оширилган операциялар сони 91 фоиз кўпайиб, 64,7 млн. га етган. Россиядаги «Золотая корона» тўлов тизимининг кўрсаткичлари ҳам шундан далолат беради: 2006 йил январидан май ойигача амалга оширилган транзакциялар 2005 йилнинг шу давридагига қараганда 31 фоиз ўсди.

Тўғри, яқин-яқингача карточкалардан фақат иш ҳақи олиш ва шу жумладан, ҳисобварақдан пул олиш учун фойдаланилар эди. Чунончи, бундан бир йил олдин МБ 2005 йилнинг иккинчи чорагида бу операцияга 615,9 млрд. рубл кетганлигини, ҳолбуки, товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун 38,1 млрд. рубл сарф-

ланганлигини маълум қилган эди. Ҳозир эса, савдо-сервис тармоғида карточкалар бўйича пул айланмаси анча кўпайди.

Бунинг сабабларидан бири карточкалардан фойдаланувчилар учун имтиёзлар ва бонуслар тизими мавжудлигидан иборатдир. Бундан ташқари, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ривожланишининг муҳим шарти давлатга бўлган ишончдир. Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари ҳам кейинги вақтларда аста-секин такомиллашиб бормоқда. Банклар ва уларнинг мижозлари МБнинг ҳисоб-китоблар тизими самарадорлигини ошириш, тизим иштирокчиларига қўйиладиган талабларни тартибга солувчи йўриқномалар ва низомларни ўзгартириш соҳасидаги куч-ғайратларини ижобий қабул қилдилар. Давлат даражасида телекоммуникацияларнинг ривожланиши бу хизматни аҳолининг янада кенг қатламлари учун қулай қилди.

ХИТОЙДА ЯИМ 11,3 ФОИЗ ЎСДИ

Хитой ялпи ички маҳсулоти 2006 йилнинг иккинчи чорагида йиллик ҳисобда 11,3 фоиз ўсди, деб хабар қилди ҳукумат статистика бюроси. Биринчи чорақда 10,3 фоиз ўсиш қайд этилган эди. Иқтисодиётнинг кенгайиш суръатлари sanoat ишлаб чиқариши ўсиши ҳамда инвестицияларнинг юқори даражада ривожланиши ҳисобига жадаллашди. Иқтисодчилар Хитойда ЯИМ ўсиши иккинчи чорақда 10,5 фоиз даражасида бўлишини кутган эдилар. Айни вақтда, баёнотда айтилишича, Хитой ҳукуматининг миллий иқтисодиётни муътадиллаштириш борасидаги куч-ғайратлари амал қила бошлаган, бунда бу чоралар иқтисодиётга таъсир эта бошлаши учун эса, муайян вақт талаб этилади.

БАА ЛИВАНГА 20 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ АЖРАТДИ

Бирлашган Араб Амирликлари президенти шайх Халифа бен Зайд ал Нахайян Ливанга дори-дармонлар ва энг зарур товарларни харид қилиш учун 20 млн. АҚШ доллари миқдорига шошилинч молиявий ёрдам ажратди ҳақида фармойиш чиқарди. Гуманитар фалокатнинг олдини олиш мақсадида қатор араб давлатлари Ливан ҳукуматида молиявий ёрдам юборди. Хусусан, Саудия Арабистони 50 млн. АҚШ доллари ажратди.

АҚШ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ДЕЯРЛИ УЧДАН БИР ҚИСМИ ОПЦИОНЛАР БИЛАН КЎЗБЎЯМАЧИЛИК ҚИЛГАН

Айова ва Индиана университетларининг молия соҳаси профессорлари ўтказган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, АҚШ компанияларининг 30 фоизга яқини охириги ўн йилликда юқори мартабали раҳбарларга берилдиган мукофотларнинг бир қисмини ташкил этадиган акцияларнинг опционлари билан иш олиб борган. Тадқиқотга кўра, акцияларни бозор баҳосида сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ҳамда 1996-2005 йилларда компанияларнинг юқори мартабали раҳбарларига берилган режадан ташқари опционларнинг 18,9 фоизга яқинига ўтган сана қўйилган ёки улар билан бошқача кўзбўямачиликлар қилинган. Сана қўйиш билан боғлиқ фирибгарликлар 2002 йилга қадар жуда кўп тарқалган эди. Шундан

кейин АҚШнинг қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси қонун ҳужжатларини кучайтириб, раҳбарлар зиммасига опционлар ҳақида улар олингандан кейин кечи билан икки иш куни ўтгач, хабар бериш мажбуриятини юклаган. Кўпинча акциялар юқори даражада баҳоланадиган технология секторидаги компанияларда, кичикроқ фирма ва компанияларда санани сохталаштиришди. «Ўйлайманки, кўзбўямачиликда иштирок этаётган компанияларнинг камроқ қисми қўлга тушмоқда. Яъни, биз муз тоғини ҳеч қачон тўлиқ кўра олмаймиз», - дейди тадқиқот ўтказган профессорлардан бири. Тадқиқот маълумотларига кўра, охириги ўн йилликда опционларга берилдиган грантлар билан компанияларнинг 29,2 фоизи кўзбўямачилик қилган.

Чет эл матбуоти материаллари асосида.

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдураҳмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО,

«Иқтисодиёт ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

134-13-13

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: bankingnews@tsht.tuz

www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓜ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Ғ-903

Тираж 5231 нусха.

Босишга рухсат этилди

25.07.2006 й.

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш «Заковат»
ижтимоий жамғармаси